

Алломишга ватан бўлган Сурхон эли яна бир бор
20 дан ортиқ мамлакатларнинг энг сара полвонла-
рини ўз бағрига қорлади.

Бу галги халқаро турнир беллашувларини Сурхон во-
ҳасининг фарзандлари жарқургонлик Уткир Қурбонов
ҳамда бойсунлик Фарход Жўлиевлар бошлаб берди. Пол-
вонлар давра айландилар. Бор маҳоратларини ишга со-
либ, кураш тушдилар. Ниҳоят гоят муҳим ва ҳаяжонли
беллашувда Уткир Қурбоновнинг қўли баланд келди.
Кейин эса майдонга ҳайрати, ғайрати ва қуввати зиёда
бўлган Бразилиялик Карлос Хонарато ҳамда ҳамюртимиз
Уйғун Жумаевлар чиқишди. Уйингоҳга таширф буюрган
20 мингдан зиёд томошабинлар ҳар иккала полвондан
чиройли кураш тушишларини кутиб, уларни олқишларга
қўмиб ташлади.

(Давоми 3-бетда)

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 26 апрел, сешанба № 67 (1908)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Хозирги кунда «Гурлантекстил» кор-
хонасида эркаклар учун 18 турдаги
турли хил кийим-кечаклар ишлаб чи-
қарилмоқда. Бу маҳсулотларнинг 50
фоизи эса Россия, Қозғистон,
Польша ва Бельгия давлатларига шар-
тнома асосида жўнатилмоқда. Корхо-
нада 850 нафар ишчи-ҳодим меҳнат

қилмоқда. Корхона томонидан ишчи-
ларга барча шарт-шароитлар яратиб
берилган. Корхона ҳисобидан бир маҳал
иссиқ овқат тайёрланапти, ишга келиб
кетилари учун автобус ажратилган.
**Суратларда: корхона фаолияти-
дан лавҳалар.**

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

26 апрел - Амир Темури ордени

таъсис этилган кун

ХАЛҚИМИЗ ИФТИХОРИ РАМЗИ

Олий унвону орденлар ҳар бир юртининг озоғлиги,
шон-шўхрати, куч-қудрати рамзи саналади. Прези-
дентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан юртимиз-
нинг тарихий анъаналарини, миллий қадриятларини,
бой маънавиятини ўзида акс эттирган орден ва ме-
даллар таъсис этилди.

Ватанимизнинг энг юксак
орденларидан бири соҳиб-
қирон Амир Темури номи билан
аталгани бежиз эмас.
Истиқлол йилларида Прези-
дент Исрол Каримов раҳна-
молигида бой тарихимиз,
улуг боболаримиз шахсия-
ти, меросига муносабат тўб-
дан ўзгарди. Жумладан,
Амир Темури номи ҳам хал-
қимизнинг яна фахру гуру-
рига айланди.

1996 йилда унинг 660
йиллиги кенг нишонланди.
Мазкур орден ҳам ана шу
кулуг сана арасида таъ-
сис этилди. У юртимизда тар-
ихий анъаналаримиз, эзгу
қадриятларимиз қайта тикла-
наётганининг яна бир дали-
ли бўлди.

Соҳибқирон бутун ҳаёти
ва салохиятини ўз халқининг
эрки ва фаровонлиги, юрт
ободлигига бахшида этган.
Куч-қудратини бунёдкорлик
ишларига сарфлаган.

Амир Темури орденига би-
тилган «Куч - адолатда»
сўзлари жаҳонгир фаолиятини
асосий шiori бўлгани
ни яхши биламиз.

Амир Темури ордени билан
Ўзбекистон Республика-
си фуқаролари давлатчилик-
ни мустаҳкамлашдаги улкан
хизматлари, меъморчилик-
ни, илм-фан, адабиёт ва
санъатни, шу жумладан, ҳар-



бий маҳоратни ривожланти-
ришга қўшган улкан ҳиссаси
учун мукофотландилар.

«Давлат мукофотлари
тўғрисида»ги қонунда фуқа-
ролар билан бир қаторда ай-
рим ҳолларда корхоналар,
муассасалар, ташкилотлар,
жамоат бирлашмалари, ижод-
ий жамоалар ва ҳарбий
бўлимлар, шунингдек, мам-
лакатимизнинг маъмурий-
худудий бирликлари ҳам му-
кофотланиши мумкинлиги
қайд этилган.

Шунга қўра, 1996 йил 28
августда, соҳибқироннинг қў-
луг юбилей арасида Президент
фармонига биноан Самарқанд
ва Шаҳрисабз шаҳарлари
Амир Темури ордени билан
мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар
соҳибқирон ҳаёти ва фаоли-
ятида муҳим ўрин тутган. У
қўна Кеда таваллуд топиб,
Самарқандни ўз салтанати-
нинг пойтахтига айлантирган.

(ЎЗА)

Таҳлил нимани кўрсатди?

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Қонун-
чилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги
маърузасида ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бо-
расидаги устувор вазифа ва йўналишлар кўрсатиб бе-
рилди. Дарҳақиқат, қонун устувор бўлган давлатдаги-
на инсон эркинлиги жараёнлари амал қилади. Давлат-
нинг кенг маънодаги аралашуви меъёрга солинади.

касаба уюшмалари Марказий
Кенгашининг асосий
вазифаси республика ми-
здаги мавжуд 94 мингдан
зиёд фермер хўжалиқла-
рига касаба уюшма хиз-
мати кўрсатишни яхши-

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Асосий тамойили меҳ-
наткашларнинг ижтимоий-
иқтисодий, ҳуқуқий жиҳат-
дан ҳимояловчи энг ом-
мавий жамоат ташкилоти
ҳисобланган Ўзбекистон
касаба уюшмалари
қонунлари ишлаб чи-
қиш, такомиллаштириш,
уни халқаро андозаларга
мувофиқлаштириш бора-
сида кенг қўламли иш-
лари олиб борапти. Шу-
нингдек, жойларда меҳ-
наткашларга кўнгилдаги
деқ хил ҳамда меҳнат ша-
роитларини яратиб бе-
риш, уларни соғломлаш-
тириш каби долзарб ма-
салалар ҳам мазкур таш-
килот фаолиятининг тарки-
бий йўналишларидандир.
Яқинда бўлиб ўтган
тармоқ касаба уюшмала-
рининг Марказий Кенгаши-
нинг қурултойларида бу
борадаги муаммолар
атрофида таҳлил этилди
ва уларни бартараф этиш
йўллари белгилаб олин-
ди. Шунингдек, мамла-
катимизда олиб борилаёт-
ган ислохотлар жараёни-
да янада фаол катнашиш,
меҳнаткашларнинг тур-
муш фаровонлигини оши-
риш учун барча имкони-
ятларни сафарбар этиш
масалалари кўрилди.
Ўзбекистон Агросано-
ат мажмуи ҳодимлари
касаба уюшмаси Марказий
Кенгаши ҳам мамлакатим-
изда амалга оширилаёт-
ган ислохотларга камар-

баста бўляпти. Давр каса-
ба уюшмаларига масъу-
лиятли вазифаларни юк-
лапти. Булар демократик
қадриятларни, меҳнаткаш-
ларнинг қонуний ҳақ-
қуқуқлари ва эркинликла-
рини ҳимоялашдир. Маъ-
лумки, айна вақтда иқти-
содий ҳимояда хусусий мул-
книнг иштироки ошиб,
кўптармоқли иқтисодий
ривожланипти.
Сўнги йилларда тармоқ-
нинг иқтисодий ҳимоядаги
нуфузи ошиб бораётгани-
ги ҳисобга олиниб, мазкур
соҳага эътибор кучайти-
рилди. Қишлоқ хўжалиги
ҳодимларини моддий ра-
ғбатлантиришни яхшилаш,
саноат ва қишлоқ хўжали-
ги маҳсулотлари нархини
белгилайдиган мутаносиб-
ликни тугатиш мақсадида
деҳқончилик ва чорвачилик
маҳсулотларининг харид
нархлари мунтазам ошириб
борилапти. - Паст рента-
белли ширкат хўжалиқла-
рининг деҳқон-фермер
хўжалиқларига айлантири-
лиши натижасида қишлоқ
меҳнаткашларининг мод-
дий аҳоли яхшиланиб
бормоқда. Шу билан бир-
га бу қишлоқ жойлардаги
муаммоларни ҳал этилиши-
га ёрдам берапти. Қишлоқ
хўжалик, хусусан озиқ-ов-
қат маҳсулотлари етишти-
риш кўпайиб бормоқда.
Соҳа ҳодимларининг даро-
мадлари ҳам йилдан йилга
ошапти. Эндиликда тармоқ

лашди. Мана шу ўта
долзарб вазифа ҳам
қурултой катнашчилари-
нинг асосий диққат мар-
казида бўлди.
Агросаноат тизимида
иқтисодий ислохотларни
чуқурлаштириш, меҳнат-
кашларнинг манфаатлари-
ни ҳимоялаш мақсадида
Марказий Кенгаш тизими-
га қарашли вазирилик,
концерн, корпорация
ҳамда ҳиссадорлик жами-
ятлари билан мунтазам
равишда келишувлар ту-
зилмоқда. Мазкур ҳужжат-
лар асосида Қорақалпоғи-
стон республикаси, вило-
ятлар ва туманларда хўжа-
лик бошқарув органлари
билан келишувлар, жамоа
шартномалари амал қил-
моқда.
Меҳнаткашлар манфа-
атларини таъминлашда
мажмуи ҳужжатнинг
ахамияти беқийсдир. Шу
боисдан ҳам меҳнат му-
носабатларининг жамоа
шартномалари ёрдамида
тартибга солиш механиз-
мини янада такомиллаш-
тириш зарур. Ўтган йили
жамоа шартномалари ор-
қали тармоқ меҳнаткаш-
ларининг 94 фоизи кам-
раб олинди. Бир сўз билан
айтганда, ҳар бир
ҳодимга сафрланган маб-
лағ йил давомида у тўла-
рақ азозлик бадалига
нисбатан бир неча баро-
бар ошди.
(Давоми 2-бетда)

ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Новий шаҳридаги нефть базаси унитар корхонаси
деҳқон-фермер хўжалиқларига замонавий хизмат
кўрсатиш сифатини яхшилашга қатта аҳамият бера-
пти. Шу йилнинг биринчи чорағида Конимех тумани-
нинг Ҳамид Олимжон номидаги, Навбахор туманининг
«Истиқлол», Йўлдош Охунбобоев номидаги, Қизил-
тепа туманининг «Қуймозор», Хатирчи туманининг
«Қўқсарой», Амир Темури номидаги фермерлар уюш-
маларида ёнлиги тарқатиш бўйича янги шохобчалар
ишга туширилди. Улар фермерларга хизмат кўрсата-
ди.

Конимех туманининг «Шўркўл», Хатирчи туманининг
«Ўзбекистон», Шароф Рашидов, Аҳмад Ёрлақов но-
мидаги фермерлар уюшмаларида ҳам биринчи майга
қадам ана шундай шохобчалар фойдаланишга топши-
рилади. Деҳқон-фермерларга кўрсатилаётган бундай
хизматлар уларнинг узоғини ақин, оғирини енгил қил-
моқда.

ПЕДИАТРИЯ МАЖМУИ ОЧИЛДИ

Республика шoshiнч тиббий
ёрдам илмий марказида янги пе-
диатрия мажмуи очилди. Тадбир-
да олимлар, шифокорлар, давлат,
жамоат, халқаро ташкилотлар ва-
киллари ва журналистлар ишти-
рок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
вазири Ф.Назиров, Япония халқаро
ҳамкорлик агентлиги -
JICAнинг мамлакатимиздаги вако-
латхонаси раҳбари К.Янагисава ва
бошқалар Президентимиз Исрол
Каримов ташаббуси билан ҳаётга
татбиқ этилаётган соғлиқни сақ-
лаш тизимини ислоҳ қилишга оид
давлат дастурига мувофиқ юрти-
мизда шoshiнч тиббий ёрдам
хизматининг яхлит тизими шакл-
ланаётганини, бу тизим мамла-
катимизнинг барча минтақаларида
аҳолига давлат томонидан кафо-
латланган бепул ва сифатли шо-
шинч тиббий ёрдам кўрсатиш
вазифасини қамраб олганини таъ-
кидладилар. Шу мақсадда 1999
Йилда Республика шoshiнч тиб-
бий ёрдам илмий маркази ташкил
этилди. Хозир унинг вилоятларда
ўн икки филиали, туман ва шаҳар

марказларида 173 бўлими ишлаб ту-
рибди.
225 ўринли янги педиатрия маж-
муининг ишга туширилиши эса шо-

шинч тиббий ёрдам хизматини
юксак босқичга кўтаришга, улғайиб
келаётган авлодни жисмонан соғлом
ва баркамол этиб тарбиялашни яна-



да яхшилашга, «Сихат-саломатлик
йили» давлат дастурида белги-
ланган вазифалар ижросини таъмин-
лашга хизмат қилади.

Янги шифо маскани таркибига
кабул-диагностика, нейрохирургия
ва травматология, бир ёшдан уч
ёшгача ва уч ёшдан катта болалар
наволайдиган иккитадан педиат-
рия ва жарроҳлик, реанимация ва
анестезиология бўлиmlари бор.
Уларнинг барчаси замонавий тиб-
бий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-
ланган. Беморларга етук олимлар
ва малакали шифокорлар хизмат
кўрсатади.

- Юртимизда қатта ёшдагилар
учун шoshiнч тиббий ёрдам хиз-
мати муваффақиятли фаолият кўрса-
тиб келмоқда эди, - дейди марказ
реанимация ва анестезиология бўли-
ми мудири Хуршид Дадаев. - Бола-
ларга жаҳон андозалари даражаси-
да шoshiнч тиббий хизмат кўрса-
тиш тизимининг кенг йўлга қўйили-
ши мамлакатимизда ёш авлод ка-
молига берилаётган алоҳида эъти-
бор ва ғамхўрликнинг амалий нати-
жасидир.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари
Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими
А.Тўхтаев, Япониянинг мамлақати-
миздаги факултетада ва мухтор эл-
чиси Ю.Кусумото иштирок этди.
(ЎЗА)

Андижон тумани вилоят иқтисодий, ижтимоий
соҳа жаҳасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб
қолмоқда. Мустақиллик йилларида бу ерда қатта ўзга-
ришлар амалга оширилди. Жумладан, америкалик,
италиялик, туркиялик ҳамкорлар билан бунёд этил-
ган қўшма корхоналарда маҳаллий ёшлар фидокоро-
на меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда Орол қишлоғи-
да янги қасб-хунар коллежи қурилиши жадал бора-
япти. Боғишамол даҳасида эса ўғил-қизлар яйраб
дам оладиган ажойиб оромгоҳ таъмирдан чиқарил-
моқда.

айланган. Хоналар ораста ва
шинам безатилган. Радио,
телевизор, стол-стуллар
ҳамда бошқа керакли жиҳоз-
лар билан таъминланган.
Сўриларга палосалар шў-
ланган. Туваклардаги ранго-ранг
гуллар кишига ҳузур бағиш-
лайди. Шийпон ёнидаги ош-
хонада паловхонтура тайёр-
ланапти. Ошпаз Х. Мамада-
лиевнинг таъкидлашича, ис-
сиқ овқат учун масаллик ўзла-
ридан чиқар экан. Уста деҳ-
қонлар ташаббуси билан пар-
ранда парвариланаётгани,
полиз ва сабзавот маҳсулот-
лари йил сайин кўплай етиш-
тирилаётгани дастурхонни
тўкин-сочин этмоқда. Меҳнат
зарбдорларини моддий ва
маънавий жиҳатдан рағбат-
лантириш ҳақи шу ерда ўтка-
зиларкан. Сўнги беш кун-
ликда тракторчи Жақбарали
Мадумаров пешқадам деб то-
пилиб, 25 минг сўм пул му-
кофоти билан тақдирланиб-
ди. Таъкидлашларича ойлик

Андижон тумани: ДАЛА МЕХНАТКАШЛАРИ маданий-маиший шароитига бир назар

ишда унум, барака бўлади. 26
гектар майдондаги бугдой
бошоқлаш арасида. 42 гек-
тар ердаги плёнка остига
экилган чигит бир текис униб,
пайкаллар яшил тус олган.
Бахтага қарши дала меҳнат-
чиларига ғамхўрлик, эътибор
ҳамма ерда бирдек эмас.
«Ҳақиқат» ширкат хўжалиги-
нинг Абдулхай Тўраев етак-
чилик қилаётган 5-пудрат
шийпониде бўлганимизда

ишда унум, барака бўлади. 26
гектар майдондаги бугдой
бошоқлаш арасида. 42 гек-
тар ердаги плёнка остига
экилган чигит бир текис униб,
пайкаллар яшил тус олган.
Бахтага қарши дала меҳнат-
чиларига ғамхўрлик, эътибор
ҳамма ерда бирдек эмас.
«Ҳақиқат» ширкат хўжалиги-
нинг Абдулхай Тўраев етак-
чилик қилаётган 5-пудрат
шийпониде бўлганимизда

лоқайдлик оқибатида содир
бўлади-ку!
Ошпаз Нуриддин Ражавали-
ев хуноб. Сабаби соат 12 га
яқинлашган бўлишига қарамай

хўжалиги бошқаруви раиси
Ф. Тўхтаев бўш келмакда. У
2004 йилда пахта тайёрлаш
шартномавий режаси бирин-
чилар қаторида бажарилган-
лиги, 28 миллион сўм соф
фойда олинганлигини ургу-
бериб таъкидлади. Табиий
савол туғилади, маблаг, им-
коният етарли бўлса нима
сабабдан 8 та дала шийпо-
ни мавсумга пухта шай
этилмаган? Пахтакорлар,
ғаллакорларнинг аксарияти
бор ҳолича дам олиш, ов-
қатланишга мажбур бўлиш-
моқда.

Ташматов номли ширкат-
даги дала шийпонларнинг
аҳоли янада ночор бўлиб
қўйилган. Ҳодимлар зарар-
ли шароитда турли хими-
катлар билан ишлаётганига
қарамай, белгиланган имти-
ёзлардан фойдаланишмаё-
тир. Маошларни кечикти-
риб тўлаш ҳамон давом эт-
моқда. «Агрокимёхизмат»
туман бўлими бошлиғи Н.
Насриддинов ваъда бериш-
дан нарига ўтмапти. Қайд
этилган жамоалардаги каса-
ба уюшма қўмиталари эса
мурасасозлик йўлини ту-
тишмоқда. Шу боис дала меҳ-
наткашларига маданий-ма-
иший хизмат кўрсатиш,
уларнинг кўнглини дам
олишларини таъминлаш бо-
расидаги тадбирлар бажа-
рилмай қоғозда қолмоқда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Таҳлил нимани кўрсатди?

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Шуниси характерлики, ишчи-хизматчилар келишувлар ва жамоа шартномалари ёлланма ишчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг бирдан бир йўли эканлигини тушуниб етишяпти. Шу боисдан ҳам жойларда ушбу муҳим ҳужжатга нисбатан муносабат тубдан ўзгармоқда. Кабул қилинаётган қатор жамоа шартномаларида эса меҳнаткашларга берилаётган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар кўлами кенгайди. Меҳнат Кодекси асосида меҳнат муносабатларининг самарали тартибга солинишига эришиляпти.

Лекин таҳлиллар шуну кўрсатмоқдаки, жамоа шартномаларида муносабат ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Айрим жамоаларда бу муҳим ҳужжат саёз тузилмоқда. Унинг ижросини таъминлаш бўшаштириб юборилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси бандларини бажарилмаслиги, айниқса, ташвишлидир. Ходимлар сони қисқарилиши ёки корхоналар тугатилиши оқибатида ишдан озод қилинган ходимларга нисбатан моддий ёрдам қўлланилмаяпти. Чунки, ушбу талаблар жамоа шартномаларида ўз аксини топмаган. Айрим ҳолларда меҳнаткашлар ҳақ тўланмайдиган мажбурий таътиллarga чиқариб юборилаяпти.

Ўзбекистон Автомобил транспорт ва йўл ҳўжали ходимлари касабa уюшмаси курултойида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, тармоқ ходимларининг фаолиятлари эҳтиёткорликни, меҳнат муҳофазаси бора-сида барча амалдаги меъёрларга амал қилишни тақозо этади. Шу боисдан мажбурий меҳнат Кодексининг доимий диққат марказида. Хусусан бу муҳим тадбир тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сийхат-саломатлиги ва иш қобилияти-

ни сақлашга қаратилган. Бу кўлгина ташкилий, техникавий, санитария ва гигиеник тадбирларни ўз ичига олади. Меҳнат хавфсизлиги иш берувчилар ҳамда касабa уюшмалари зиммасига бир қатор масъулиятларни юклайди. Хусусан 50 ва ундан кўп ходим ишлайдиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини тузиш зарур. 50 ва ундан зиёд транспорт воситалари мавжуд бўлганда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилади. Лавозимлар жорий этиш ва меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қоида меъёрларига кўра ўқитиш вазифаси юклатилади. Жойларда меҳнатни муҳофаза этиш бўйича жамоатчилик назоратини замон талаблари даражасига кўтариш зарур. Бу масалани ҳал этишда кўрик-танловлар ўтказилаяпти. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1996 йилдаги қарорини бажариш борасида шундай тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги тўғрисидаги қонун талабларини, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назоратга олиш ва ижросини таъминлаш зарур.

Жумладан, иш берувчилар билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг розилигисиз иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarga чиқариш, қисқартирилган иш вақтларини ўрнатиб каби салбий ҳолатлар учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун "Аҳолининг бандлигини таъминлаш тўғрисида"ги қонун талабларини, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назоратга олиш ва ижросини таъминлаш зарур.


Ўзбекистон Еқилги-энергетика комплекси, кимё санаяти ва геология ходимлари касабa уюшма Марказий Кенгаши курултойида энг долзарб муаммолардан бири - бандлик масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида бандликни таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ўтган

беш йил давомида тармоқда 45 минг нафардан зиёд меҳнаткаш иш берувчилар ҳисобидан ўқитилиб, касб малакалари оширилди. 17 мингдан зиёд янги иш жойлари барпо этилди. Маҳаллий органлар билан ҳамкорликда 21 минг нафарга яқин киши меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштирилди. Шундан, 5100 нафардан зиёд ногиронлар, болалик аёллар ва меҳнат бозоридан рақобат қила олмайдиغان шахслар ишга жойлаштирилди.

Лекин, айрим корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозоридан рақобат қила олмайдиغانлар учун иш жойларини ташкил этиш масаласига эътибор суст. Яширин ишсизлик, ишлаб чиқаришда дуч келинаётган айрим муаммолар натижасида ходимларини уларнинг розилигисиз иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarga чиқариш, қисқартирилган иш вақтларини ўрнатиб каби салбий ҳолатлар учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун "Аҳолининг бандлигини таъминлаш тўғрисида"ги қонун талабларини, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назоратга олиш ва ижросини таъминлаш зарур.

Жумладан, иш берувчилар билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг розилигисиз иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари берилишига йўл қўймаслик, бундай ҳолатлар юзага келган тақдирда меҳнаткашларнинг ўртача маошлари сақланиб қолиши зарур. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳодимлар сони қисқаририлганда ёки корхоналар банкротга учраганда, тугатилганда меҳнаткашларнинг бошқа касбга бўйича малакаларини ошириш ва қайта ўқитишнинг ташкил этилиши керак. Маҳаллий меҳнат биржалари билан ҳамкорликни қучайтириш, кадрлар кўчимсизлигига йўл қўймаслик ҳам энг асосий вазифалардан.

Н. РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири



Мустақиллик шарофати тўғрисида халқ хунармандчилиги гуркираб ривожланмоқда. Эндилкида Хива гиламлари, Бухоро зардўзлик намуналари, Риштон, Самарқанд кулчилик асарлари, андижонлик қўли гул усталар ясаган мусика асбоблари барчани қўйил қолдирмоқда. Эъти-

борлиси шуки, асл хунармандлар кичик корхоналар, цехлар очиб, шоғирлар сонини кўпайтириб боришмоқда.

Суратларда: халқ хунармандчилиги намуналари.

Мухаммад КАРИМ олган суратлар



ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

Кармана туманидаги «Маликрабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Истиклол» қишлоғи аҳолиси қўпдан орзу қилиб юрган ниётига эришди. Қишлоқ хонадонларига табиий газ етиб келди. Қисқа вақт ичига қарийб беш километрлик масофага

газ қувурлари тортилди. «Кармангаз» шўбёа корхонаси ҳамда қишлоқ фаолларининг ҳамкорлик билан қилган саъй-ҳаракати тўғрисида халқ хунармандчилиги таъминлаш тўғрисидаги қонун талабларини, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назоратга олиш ва ижросини таъминлаш зарур.

гиллашди. Айни пайтда қишлоқнинг 100 дан орტიқ хонадонида «Зангори олов» ёна бошлади.

«Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қўтқара» қишлоғи, «Восход» ва «Баҳор» дала ҳовлилари аҳолиси ҳам табиий газдан баҳраманд бўлди. Бу йил Кармана туманида ҳашар йўли билан 11 километрдан орტიқ газ қувурлари тортиш режалаштирилган.

(ЎЗА)

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ганлари алмаштирилди. 507 километрдан орტიқ ерга йўл чиқарили чизилди. 420 километрдан ортиқ пидедалар ўтиш йўлқалари таъмирланган.

Мақтаблар олдида ўқитувчи ва ўқувчилардан иборат 2598 та постлар ташкил этилиб, болаларни автотомобил йўлларида кесиб ўтишлари назоратга олинди.

ДЙҲХ ходимлари томонидан 916 тадан ортиқ автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари текширилди. Камчиликлари аниқланган 226 та автотранспорт воситаларини сақлаш

жойларида хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини назорат қилиш ишлари тартибга солиниб, камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиб боришмоқда. Жумладан, 286 та телевизион кўрсатувлар, 800 дан ортиқ радиозиёнатчириллар ва газета - журналларда 300 га яқин мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Анвар Сулаймонхўжаевнинг таъкидлашича, қўрилган чоралар натижасида Самарқанд, Сирдарё, Андижон ва Навоий вилоятларида йўл ҳаракати транспорти ходисаларининг сони камайган.

Р.ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири

Қишлоқ чеккасидаги цех

Дилафруз Жабборова ёшлиқда одамлар устида чиройли қилган либосини кўриб қолса, хавас билан тикилиб қоларди. У мен ҳам тикувчи бўлсам, ана шундай кийимлар тикиб кишиларни хурсанд қилардим, деб ҳаёлидан ўтказарди. У - ўрта мактабни тугаллаш билан бир йиллик маиший хизмат кўрсатиш билан юртига ўқишга кирди.

Чевар қиз билан юртини аёло баҳоларга тугаллаб, Ўзи тугилиб ўсган Яққабог туманидаги Минжир қишлоғида тикувчилик қила бошлади. Унинг чиройлик тиккан аёл, ёш болалар кийимларига ҳаридорлар кўпая бошлади.

Дилафруз энди қўшни қишлоқ тикувчилик цехига қатнаб юрмасдан ўз уйдига цех очиб, дастлаб 5 нафар қизни жалб қилди. Улар 3-4 ой ичида мустақил кийим-кечаклар тикишни ўрганишди. Айни кунларда чеварларнинг тикаятган кийимларига кун сайин миқозлар ортиб бормоқда. Лағотат Бердиева, Нафосат ва Ўғлилой Жўраевалар шулар жумласидандир.

Ҳа, Дилафруз Жабборованинг елиб-югуриб тадбиркорлик билан иш олиб бораётганлиги боис 20 нафар қишлоқ хотин-қизлари иш билан таъминланди.

Х.ТўРАЕВ

Авиасозлар маданият саройида

Гўзаллик дунёни қутқаради

Ушбу бино барча авиасозлар учун кадрдон масканга айланган қолган. Бу ердаги маданият ходими мутахассислик, ёллик бирор-бир оддий иш эмас, балки санъат қошонасига ошурфалик эканлигини яқин билишди. Шу билан бирга мажбурий маданият маскани ўзига хос бир дунё. Бу ерда фаолият кўрсатаётган барча икдорий ходимлар баъдий ҳаваскорлик тўғрисидаги собиқ катнашчиларидир.

Авиасозлар маданият уйининг собиқ директори муовинлари О. Жукова, Т. Ахметова, балетмейстер Т. Турчина, бўлим мудири Л. Лоқақая, Е. Волгиналар шулар жумласидандир. Кутубхона айтмаймизми? Мана 25 йилдики унга С. Селиванова мудирилик қилиб келаяпти. Ҳозирги вақтда мажбурий маданият масканида мажбурий таълим ва фан, давлат муассасалари тизимида ҳам ўтказилмоқда.

Семинарда бирлашма раиси П.Пазоов нутқ сўзлаб, касабa уюшма ташкилотлари ишчи хўзирги кун талаби дажарасида ташкил этиш ҳар бир етакчининг қўлдан келиши таъкидлади.

Уқув якунида қатнашчиларга касабa уюшма ташкилотларида юритиладиган ҳужжатларнинг намунавий қўлланмаси тарқатилди. Айни чоғда бундай ўқувлар ағросаноат мажмуи, таълим ва фан, давлат муассасалари тизимида ҳам ўтказилмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЕТАКЧИЛАР ЎҚУВИ

Наманган вилоят касабa уюшмалари ташкилотларининг бирлашмаси конференциядан сўнг янги сайланган етакчилар ўқувига эътибор қўйилди. Наманган шаҳрида ана шундай ўқув ташкил этилди.

Унда бирлашманинг ташкилий ишлар бўлими мудири М.Эргашев, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими етакчи мутахассиси Ю.Юсупов, молия бўлими мудири Ш.Саматов, ижтимоий сўғурта бўлими мудири И.Умаров, ҳўқуқ бўлими юристи К.Холбаевлар ҳар хил мавзуларда қишлоқлар қилишди. Ўқув - семинар катнашчиларидан Т.Арсёмова, А.Мухаммаданинов, Д.Ҳожиёва, О.Жаббаровлар берган саволларига атрафлича жавоб олдилар.

Семинарда бирлашма раиси П.Пазоов нутқ сўзлаб, касабa уюшма ташкилотлари ишчи хўзирги кун талаби дажарасида ташкил этиш ҳар бир етакчининг қўлдан келиши таъкидлади.

Уқув якунида қатнашчиларга касабa уюшма ташкилотларида юритиладиган ҳужжатларнинг намунавий қўлланмаси тарқатилди. Айни чоғда бундай ўқувлар ағросаноат мажмуи, таълим ва фан, давлат муассасалари тизимида ҳам ўтказилмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Қудрат соғлом ва бақувватлигига қарамай бирон бир иш, хунармандчилиги тугилишига йўл қўйиб, халол меҳнатга бўйни ёр бермади. Аксинча, ўзгалар ҳисобига яшашини, яшаганда ҳам ҳеч қандай камчиликсиз, тўқин яшашини шўро қилди. Ҳатто бунинг учун ҳар қандай разиликдан ҳам қайтмади. Дастлаб иккинчи гуруҳ ногиронли бўлишига қарамай ишлаб одамлар ҳожатини чикариб юрган йиғининг ҳаёт шўбамини сўндирди. Орадан ролпа-роса 88 кун ўтгач эса айнан ушбу жойда, ўша машум қамишзорда вояга етмаган 14 ёшли боланинг умрига зомин бўлди.

Қўшқўпирлик Қудрат Қаландаров тўрт йил аввал жиноятга қўл уриб, тегишли жазосини олганди. Амнистия тўғрисидаги Фармон тўғрисида айби кечирилди, унга шафқат кўрсатилди. Аммо Қудрат бундан тўғри хулоса чиқармади. Ўша кунини у ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш учун Хива туманидаги қурилиш материаллари бозорига борди. Бу ерда от-араваси билан киракашли қилаётган Ойбек Абдуллаевга гўёки миқоз тарикасида мурожаат қилиб, «Бегобод» ширкат хўжалигидан гуручинини олиб келишини сўради. Ўзи ҳам унга ҳамроҳ бўлиб, хўжалиқнинг оловроқ жойидаги захира ерига боришди. Орадан анча вақт ўтса ҳам «ана олиб келишди» деб кеч киришини кутди.

...Бошига урилган ёғоч зарбидан эсанкараб қолган Ойбек нималар бўлаётганини англаб етишга ҳақ улгурмади. Инсон кифёасини йўқотган Қудрат иккинчи, учинчи зарбаларини туширди. Хунрезлиги шу даражада етдики, хушини йўқотган, ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаётган чалажон йиғитини яна бир неча бор урғач, судраб бориб, қамишлар билан беркитиб ташлади. Сўнг изни йўқотиш, от ва аравани сотиш мақсадида Қоракалпоғистон Республикасининг Беруний туманига шўшибди. Қўрқуни қоронғуда топнибди, деганларидек миқоз ҳам оёқ остидан чиқиб қолди. От-аравани арзон-гаровга пуллаб жуфтанин ростлади.

Кўнлар ўтиб бораверди. Ногирон араваҳаш ўғлининг йўқолиб қолганлигидан зор қақшаган ота-она ҳўқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиб юрарди.

Ана шундай кўнларнинг биринди Қудрат Чимкентдаги ақасини қўриб келиш баҳонасида ўша ёққа отланди. Икки ҳафтадан сўнг эса 200 минг сўм пул ишлаб келотган, қиракаша «оборот»га берганман, эртага оламан, деб ўйига кириб келди.

Иккинчи қотиллик ҳам худди аввалгисидек ўша бозор, ўша йўллар орқали ўша қамишзорда амалга оширилди. Фарқи шундаки, биринчисиде марҳум бозордаги юмушини ногиронлигига қарамай тирикчилик ўтказиш учун қилганди. Иккинчисиники мултоқ бошқача.

Зокир Юсупов эндигина олтинчи синфда ўқирди. Рўзгор катта бўлгани учун мактабдан бўш вақтлари, қамишлар билан беркитиб ташлади. Сўнг изни йўқотиш, от ва аравани сотиш мақсадида Қоракалпоғистон Республикасининг Беруний туманига шўшибди. Қўрқуни қоронғуда топнибди, деганларидек миқоз ҳам оёқ остидан чиқиб қолди. От-аравани арзон-гаровга пуллаб жуфтанин ростлади. Кўнлар ўтиб бораверди. Ногирон араваҳаш ўғлининг йўқолиб қолганлигидан зор қақшаган ота-она ҳўқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиб юрарди.

Фельетон

дам олиш кўнлариде от-аравасини қўшиб, турли юмушларни бажарар, қўлидан келганича оиладагиларга кўмаклашарди. Унинг орзулари хали қўш эди...

Қамиш бозор оловқ даға боришганда кун пешиндан оққанди. Аммо айди. От-аравани эса яна ўша миқозга 200 минг сўмга пуллаб «оборот»даги пулминин олдим, дея онасига тутқази.

...Икки хонадон бошига оғир қўруғлик тушди. Бирини ногирон ўғлидан, иккинчисини хали вояга етмаган фарзандидан худ бўлди. Излар йўқолган, аммо қотил қим? Ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари оилада ана шу савол турарди. Бузоқнинг югургани сомонхонача, деган гап бор. Қудрат Қаландаров ҳам узоққа боролмади. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди одил ҳўқимни ўқиди. Шундай бўлса-да, айрим мулоҳазалар йўқ эмас. Қотил Қудрат Қаландаровдан икки от-аравани сув-текинга олган харидорнинг кўнлида нега шўбча туғилмади, нега бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат этмади? Билмакс, ҳеч қарда ишламайдиган ўғли бир кунда мўмайи-на пул топиб келганида ота-она нега бундан шўбчаланмади? Ахир, у илгариде қамишнинг йўлга қирганлиги сабабли судланган эди-ку! Жиноятнинг илдиз отиши худди шундан эмасми?

дам олиш кўнлариде от-аравасини қўшиб, турли юмушларни бажарар, қўлидан келганича оиладагиларга кўмаклашарди. Унинг орзулари хали қўш эди...

Қамиш бозор оловқ даға боришганда кун пешиндан оққанди. Аммо айди. От-аравани эса яна ўша миқозга 200 минг сўмга пуллаб «оборот»даги пулминин олдим, дея онасига тутқази.

...Икки хонадон бошига оғир қўруғлик тушди. Бирини ногирон ўғлидан, иккинчисини хали вояга етмаган фарзандидан худ бўлди. Излар йўқолган, аммо қотил қим? Ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари оилада ана шу савол турарди. Бузоқнинг югургани сомонхонача, деган гап бор. Қудрат Қаландаров ҳам узоққа боролмади. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди одил ҳўқимни ўқиди. Шундай бўлса-да, айрим мулоҳазалар йўқ эмас. Қотил Қудрат Қаландаровдан икки от-аравани сув-текинга олган харидорнинг кўнлида нега шўбча туғилмади, нега бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат этмади? Билмакс, ҳеч қарда ишламайдиган ўғли бир кунда мўмайи-на пул топиб келганида ота-она нега бундан шўбчаланмади? Ахир, у илгариде қамишнинг йўлга қирганлиги сабабли судланган эди-ку! Жиноятнинг илдиз отиши худди шундан эмасми?

А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Президент соврини учун Ал - Ҳаким ат - Термизий хотирасига бағишланган VII халқаро турнир якунланди

(Боши 1-бетда)

Гиламда Карлос Хонарато чиройли ўйин кўрсатиш учун биринчи бўлиб рақибнинг ёқасидан олди. Уйғун ҳам бўш келмади. Мўлжални аниқ олиб, рақибга тикка борди. Полвонлар мухлислар кутгандан ҳам чиройли кураш тушди. Очиги, Уйғун Жумаевни бутун ўйингоҳ олқишлади. Хар қалай, у Карлосдан чўчимай ҳаракат қиларди. Белгиланган вақтда Карлос Хонарато рақибни устидан кичик устунлик билан галаба қозонди.

Гиламда довруғи дунё курашчиларига маълум бўлган Эрали полвон Махмарасулов ва Рамзиддин Саидовлар ҳозир бўлишди. Эрали рақибни бу ёқ, у ёқ қарсилатиб-силтаб кўрди. Рамзиддин ҳам бўш келмади. Билангига тўпланган кучни жойида ишлата билди. Эрали полвоннинг қанчалик гайрати жўшмасин, майдон-майдон экан-да, унга нисбатан Рамзиддиннинг қўли баланд келди. Мухлислар Акбар Йўлдошев ҳамда грециялик Андреадис Георгиадоснинг курашларидан завқ олишди. Акбар бир минутда рақибни осмондан кўтариб, икки елкасини ерга теккизиб, ҳаллол баҳоси билан соф галаба қозонди. Шундан сўнг Туркманистонлик Нафес Байрамов ҳамюртимиз Сиддик Назаровни елкадан ошириб йиқитди. Билангига кучга тўла Уткир Қурбонов Бобир Очиллов билан чинакам чиройли кураш кўрсатди. Полвонлар чин зўрли-

ГАЛАБА НАШИДАСИ

гини майдонда намоиш этди. Фолиблик эса наинки кучли бўлишни, балки полвонларнинг сабрили, чидамли матонатли бўлишни ҳам талаб этади. Астойдил галабага интилган Уткир Қурбоновга омад

кулиб боқди.

Кураш гиламига дунёнинг машҳур полвонлари эронлик Аюб Ҳасаний ва туркиялик Гемалмаз Мурот чикди. Ҳаяжонли дақиқаларда ҳакамлар курашга руҳсат беришган зах-

тиёк, 30 сонияда Аюб Ҳасаний соф галабага эришди. Туркманистонлик Камол Улуғбердиевни кизирқик Улуғбек Исмоилов ҳам 15 сонияда мағлуб этди. Янги Зеландиялик Дил Руссел Руан, грециялик Трору-

тселаури Глека билан беллашди. Грециялик Глека 42 сонияда рақибни устидан соф галабага эришди.

Полвон Чингиз Бойматовдан муҳлислар кўп нарса кутишганди. Гиламда Чингиз Давлат Чориев билан беллашди. Улар ўртасидаги кураш қизгин тус олди. Майдонда эса зўр Давлат Чориев бўлди.

Турнир ярим финалига чиқиш учун мутлоқ вазн тоифасида 41 нафар полвон беллашди. Улар орасидан энг кучли полвонлар сараланди. Ярим финалда Абдулла Тангриев ёш умидли полвон Уткир Қурбонов устидан галаба қозонди. Кореялик Бунинг Жинг Конг бразилиялик Карлос Хонарато билан куч синашди. Хар иккала полвон ҳам зўр кураш тушди. Фолиблик эса Карлосга насиб этди.

Мутлоқ чемпионлик учун эса ўтган йили Шахризабадаги Амир Темури хотира турнирининг финалчилари Абдулла Тангриев ва Карлос Хонарато яна бир бор тўқнаш келишди. Беллашув қизгин тус олди ва нихоят Абдулла Тангриев соф галабага эришиб, турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлди.

Турнир якунида ғолиб полвон А.Тангриевга Сурхондарё вилоят ҳокими А. Эшмуратов Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини ҳамда олтин медални топширди. Карлос Хонаратога 1500 АҚШ доллари, корейлик Бунинг Жинг Конг ва Уткир Қурбоновларга 750 АҚШ доллари ҳамда махсус медал ва дипломлар топширилди.



Сўз — иштирокчиларга

ЛОЛ ҚОЛДИМ

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Юртингиз менда катта таассурот уйғотди. Буюк алломаларнинг қадимларини кўриш бахтига мушарраф бўлдим. Тошкент, Самарқанд, Термиз шаҳарларидаги архитектура ёдгорликларини кўриб хайратда қолдим. Хинд диёрида ҳам бундай ёдгорликлар кўп. Бироқ сизларда бу зиёратгоҳларга алоҳида эътибор қаратилар экан.

Турнир юқори савияда ташкил этилгани ҳамда юртингизда курашга бўлган қизиқиш мени лол этди. Ахир, бундай иссиқда ўтиришнинги ўзи бўлмайдими. Айниқса, катта ёшдаги кишиларнинг ишқибозлиги қойил қолдири мени. Ушбу турнир баҳонасида кураш ватанида маҳоратимни янада оширишимдан хурсандман.



Самандар СИНГХ, Хиндистонлик полвон

КАТТА МАКТАБ

Турнирда пухта ҳозирлик кўрган эдим. Дастлабки босқичларда рақибларимни осонлик билан енгдим. Бироқ, ярим финалда Карлос Хонаратога дуч келдим. Оғир беллашувда маҳорат борасида тажрибани оширишим лозимлигини тушундим.


Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Аввал Шахризабадаги турнирда ҳам гиламга чиққан эдим. Бир сўз билан айтганда, кураш мен учун энг сеvimли спорт турига айланди. Авваллари дзюдо билан шуғулланганман. Қатор ютуқларга эришганман. Келгусида курашда ҳам ғолиб чиқиш ниятидаман.

Эронда ҳам кураш мухлислари кўпчиликни ташкил этади. Мамлакат миллий чемпионати мунтазам ўтказиб келинади. Спортчиларимиз ўзбек гиламларида ҳам кўп марта ўзларини имтиҳондан ўтказиш оладилар, деган умиддаман.

Аюб ҲАСАНИЙ, Кураш бўйича Эрон чемпиони

МЕҲР КЎЗДА

— Буюк бобокалонимиз Ал-Ҳаким ат-Термизий хотираси учун фахрийлар ўртасида жaxon чемпионати ўтказилганлиги айна мудида бўлди. Шундай беллашувларни соғиниб қолган эдим. Қирқ йилдан бунён кураш тушаман. Ҳозир 70 баҳорни қаршиладим. Кураш халқларини бирлаштиради, дўстлик ришталарини боғлайди. Ешларда соғлом турмуш тарзини шакллантиради. Халоллик, мардлик ва инсонийлик хислатларини уйғотади. Илоҳим тинчлик бўлиб, кураш байрамларида яна учрашиш насиб этсин.



Муродхожи ТОШМУРОДОВ, Тожикистон Республикаси Ўратепа вилояти

ҚУВОНЧИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Биз кураш фахрийлари учун бу чемпионат катта байрам бўлди. Чунки азалий рақиблар яна гиламда куч синашиш бахтига мушарраф бўлди. 70 килограмм вазнда 56-60 ёшлилар сафида гиламга тушимди. Финалда рақибим Санар Яхшиевни мағлуб этдим. Чемпионат биз фахрийларни анча ёшартирди, кучимизга-куч, гайратимизга гайрат қўшди. Шу билан марта йиллар давомида йиққан тажриба ва маҳоратимиз ёшларга ҳам асқотади.

Нурмуҳаммад ЮСУПОВ, Қоракўл тумани



М.АМИН, И.ХУЖАЕВ (ЎЗА) ва А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар

КУЧ БИЛАККА СИҒМАГАН КУНЛАР

23 апрел кун Термиз шаҳридаги «Алпомиш» марказий ўйингоҳида миллий кураш бўйича фахрийлар ўртасида тарихий I Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

фотди. Улар орасида Зиёдулла Полвон Алмонов дастлаб туркманистонлик Тоштемур Очилдиевнинг устидан соф

вон куч синашди. 60 кг вазнда Омон Тоймуродов Урол Жуманиёзовни, 65 кг вазнда Турсун Юлдошев Жўра Сафаровни, 70 кг вазнда эса Фатхулло Холиқов Қурбон Абдурахимовни ҳалолга уриб, жaxon чемпиони бўлишди. 65 ёшдан катталар ўртасида 60 кг вазнда Абдурашид Мирзаев Эшпўлат Абдувоҳидовни атиги 13 секундда ҳалолга йиқитди. 75 кг вазндаги финал мусобақасида Қурбон Эргашев Жиян Кожоновни йиқитиб, соф галабага эришди. 75 кг вазндаги полвонларнинг финал мусобақасида Қаҳҳор Сатторов рақибни Наби Махмарасуловдан осонгина 10 секундда йиқилди.


Фахрийлар чемпионатининг энг чиройли баҳси оқсоқол полвонлар ўртасида бўлди. 80 ёшдан ошган Қаҳҳор Норбоев ва Ҳўжамберди Эгамбердиевларнинг қучлари финал мусобақаларида тенг келди. Шу ёшдаги 85 кг полвонлардан финал мусобақасида Тўра бобо Тошматов ва Нуртожи Сайимовлар беллашдилар. Мардлар майдонида кекса полвон Тўра Тошматовнинг қўли баланд келиб, оқсоқол полвонлар орасида биринчи жaxon чемпиони бўлди.

А. ЮСУПОВ, Р. ДАВЛАТОВ «Ишонч» мухбирлари

Полвонлик, кураш аждодларимиздан қолган бебаҳо меросдир. Не бахти, бугун ҳам ана шу мерос авлодлар қўлида эъзозланмоқда. Кўҳна замонларда ҳам, ҳозир ҳам кураш майдонларида ор талашиб, кураш тушиб ғолиб чиққан полвон йигитларнинг овозаси узоқ-узоқларга бориб етган ва яна етажак.

Шон-шавкатли Туронзамин ўзининг арслон ёлли полвонлари, баҳодирлари билан довруғ таратган. Тарих зарваракларига назар ташласангиз, токи машҳур Алпомишдан Пахлавон Маҳмудга қадар ҳам полвонлар силсиласи узилмаганини, балки бу занжир — халқа янада қувватли, мустаҳкам бўлганини кўриш мумкин. Термизда ўтган фахрийлар ўртасида кураш бўйича I Жаҳон чемпионати фикримизга яна бир қарра исботдир. Чемпионат баҳсларида фахрийлар ўз ёшлари ҳамда вазнлари бўйича беллашдилар. Яъни, 36-45, 45-55, 56-60, 61-65 ва 65 ёшдан катталар гуруҳларга ажратилди. Эътиборга молик жиҳати шуки, фахрий полвонлар ўз вазнлари бўйича чин ва ҳалол курашиб, мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди.

36-45 ёшлилар ўртасида ҳамюртимиз Олимжон Ҳайитов ярим финалда Раҳмат Ширинов билан беллашиб, соф галабага эришди. Финалда ўз ёшдаги 90 кг вазндаги полвон Жўра Шайқуловнинг елкасини ерга



теккизиб, жaxon чемпиони бўлди. 100 кг вазнда эса кураш қизгин тус олди. Бахтиёр Ширканов ярим финалда польшалик курашчи Томас Блакни ҳалолга урди. Жаҳон чемпионлиги учун эса эронлик Хисрав Дамир билан куч синашди. Икки фахрий полвон ўртасидаги кураш чиндан-да муросасиз ўтди. Минглаб томошабинларнинг ҳамюртимизни олқишлашлари ҳам самара бермади. Кураш майдони кучилариники эканлиги яна бир қарра исботланди. Эронлик полвон курашимизнинг сир-асрорларини нихоятда пухта ўзлаштирганлиги боис Бахтиёр Ширкановни мағлуб этди.

Бу ёшдаги мутлоқ вазнда 6 нафар полвон беллашди. Ярим финалда бразилиялик полвон Дуглас Виера устидан Ўзбекистонлик Тўра Шоевнинг қўли баланд келди. Финалда у Мухаммад Тошевни 2 минутда енгиб, жaxon чемпиони унвонини қўлга киритди.

46-55 ёшли полвонларнинг беллашувлари ҳам томошабинларда қизиқиш уй-

ғалабага эришган бўлса, ярим финалда эронлик Минукадехни мағлубиятга учратди. Финалда грециялик Георгио Андреадис билан куч синашди. Зўр кураш бўлди. Томошабинлар денгиздай қалқишиб, Зиёдулла полвонни олқишлашди. У мусобақа давомида уч марта тиббий ёрдам берилишига қарамай, курашга чоғланди. Бироқ туртинчи жараҳатдан сўнг у майдонни тарқ этишга мажбур бўлди. Ғолиблик грециялик меҳмонга насиб этди.

56-60 ёшли полвонлар 70-80-90 кг вазнларда куч синашдилар. Улар орасида 80 кг вазндаги польшалик Франц Хугендайка Ўзбекистонлик Ҳўжамберди Худойқулвага чиройли усул қўлаб, соф галабага эришди. 90 кг вазнда ҳамюртимиз Тўра Холиқулов финалда туркманистонлик Худойберди Раҳмедовдан устун келди. Мутлоқ вазн тоифасида эса венгриялик Ласло Тот Ўзбекистонлик Файзулла Зоиров устидан галабага эришди.

61-65 ёшлилар орасида тўртта вазнда 12 нафар пол-

Бугун курашимизнинг яна бир йўналиши жaxon юз тутмоқда. Ўтган йилнинг октябр ойида белбоғли кураш бўйича I Жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан ўтказилган эди.

Кунги кеча нихотасига етган фахрийлар ўртасидаги I Жаҳон чемпионати ҳам белбоғли курашнинг жaxon майдонида чиқаётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг «ман-ман» деган кураш усталари бел олишган баҳслар қизиқарли тус олди. Айниқса, қўшни Тожикистон ҳамда Қирғизистондан таширф буюрган полвонлар ҳамюртларимизга муносиб қаршилиқ кўрсатди.

ОТАЛАР БЕЛ ОЛИШГАНДА

—Белбоғли курашда ҳам чет эллик полвонларнинг қатнашуви тобора кўпаймоқда, —дейди белбоғли кураш Федерацияси президенти Рустам Исоқов. — Фахрийларимиз бугун ўзларини анча дадил ва тетик тутди. Улар кўрсатган кураш усуллари ёш полвонларга асқотиши мумкин. Яна бир гап. Ўйлаيمانки, энди фахрийларимиз ҳам кураш билан жиддий шуғулланадилар.

Дарҳақиқат, белбоғ кураши усталари А.Шокиржонов, М.Исмоилов, Н.Тўйчиев, Х.Йўлдошев, А.Тўрақуловларнинг маҳорати қойил қолмай иложи йўқ.

Белбоғли курашда гиламга тушган ва ғолибликни қўлга киритган полвонлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.



Белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида биринчи жaxon чемпионати ғолиб ва совриндорлари

36-45 ёшлилар 65 кг

- 1.А.Бахромов (Ўзбекистон)
- 2.Хикматуллох Парса (Афғонистон)
- 3.А.Мамаюсов (Ўзбекистон)
- С.Қосимов (Ўзбекистон)

75 кг

- 1.Б.Қурбонов (Тожикистон)
- 2.Х.Юлдашев (Ўзбекистон)
- 3.Мухаммад Набизода (Афғонистон)
- Алижон Нажипов (Ўзбекистон)

90 кг

- 1.Қ.Турсунбеков (Ўзбекистон)
- 2.А.Кулаков (Туркманистон)
- 3.К.Тўйчиев (Ўзбекистон)
- Р.Зиёвудинов (Тожикистон)

+ 90 кг

- 1.А.Тўрақулов (Ўзбекистон)
- 2.Э.Чанаев (Қирғизистон)
- 3.С.Ҳайдаров (Қирғизистон)
- Т.Ҳасанов (Тожикистон)

46-55 ёшлилар 90 кг

- 1.А.Шокиржонов (Ўзбекистон)
- 2.Н.Тўйчиев (Ўзбекистон)
- 3.С.Меҳмонов (Ўзбекистон)
- Абул Фатох Мухаммадий (Афғонистон)

+ 90 кг

- 1.С.Тошмуродов (Тожикистон)
- 2.Ф.Эрназаров (Тожикистон)
- 3.Т.Очилдиев (Ўзбекистон)
- М.Артыков (Қирғизистон)

56-60 ёшлилар 80 кг.

- 1.Р.Ахматхонов (Россия)
- 2.М.Исмоилов (Ўзбекистон)
- 3.Т.Зоитов (Тожикистон)
- Қ.Турдиев (Ўзбекистон)

Вниманию акционеров ОАО «TURON SANATORIYASI»

Годовое общее собрание акционеров состоится 28 мая 2005 года в 10.00 утра в клубе ОАО «TURON SANATORIYASI» по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский р-н, ул. Устабаева, 159

ПОВЕСТКА ДНЯ

1. Утверждение отчета Наблюдательного совета за 2004 год.
2. Утверждение годового отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год.
3. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2004 год.
4. Утверждение аудиторского заключения, заключения ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «TURON SANATORIYASI» за 2004 год.
5. Утверждение распределения прибыли за 2004 год, размера дивидендов и формы его выплаты,

размера вознаграждения Наблюдательного совета по итогам 2005 года.

6. Утверждение годового бизнес-плана на 2005 год.
 7. Утверждение решения о проведении аудиторской проверки за 2005 год, аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг за 2005 год.
 8. Выборы Наблюдательного совета.
 9. Продление договора о найме Председателя Правления ОАО «TURON SANATORIYASI».
 10. Выборы Ревизионной комиссии
- С информацией, подлежащей представлению акционером при подготовке к проведению годового общего собрания акционеров, акционеры могут ознакомиться в обществе по указанному адресу.
- Регистрация акционеров проводится с 9-00 до 9-30 часов, акционеры имеют при себе паспорт, а представителями акционеров - паспорт и доверенность, заверенную нотариально.

Бухгалтерский баланс за 2004 год

Актив баланса		Пассив баланса	
(тыс. сум.)		(тыс. сум.)	
Основные средства	2354733,60	Уставной капитал	728375,00
Износ основных средств	549794,90	Добавленный капитал	15198,40
Остаточная стоимость	1804938,70	Резервный капитал	456938,20
Капитальные вложения	283138,50	Нераспределенная прибыль	169826,60
Производственные запасы	221546,60	Целевое финансирование	834825,60
Денежные средства	26426,40	Отсроченные доходы	44200,40
Дебиторская задолженность	69282,20	Кредиторская задолженность	156166,20
ИТОГО	2405332,40	ИТОГО	2405332,40

Отчёт о финансовых результатах за 2004 год

Индикаторы		Значения	
(тыс. сум.)		(тыс. сум.)	
Чистая выручка от реализации	1030874,4	За отчетный период	789295,1
Производственная себестоимость	789295,1		
Расходы периода	172598,2		
Прочие доходы от основной деятельности	43813,6		
Расходы по финансовой деятельности	5846,6		
Прибыль до уплаты налогов	106948,1		
Налог на прибыль	27156,9		
Прочие налоги от прибыли	8383,3		
Чистая прибыль	73407,9		

Данные бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2004 год подтверждены аудиторской организацией ООО «VOJID - AUDIT», зарегистрированной Минюстом 28.03.2002 года за № 782, лицензия Минфина №00417 от 15.04.2002 года).

Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО «TURON SANATORIYASI».

Порядковый номер сообщения - 07. Наступление даты закрытия реестра: 20 апреля 2005 года Наблюдательный совет ОАО «TURON SANATORIYASI» принял решение о дате составления списка владельцев ценных бумаг

Список владельцев ценных бумаг составляется по состоянию на 28 апреля 2005 года.

ОАО «TURON SANATORIYASI» Наблюдательный совет.

